

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним! СЕНИ КУЙЛАБ ТОЛМАЙМИЗ, ВАТАН!

Юртимизда энг улуғ, энг азиз байрам шодиёналари давом этмоқда. Халқимиз узок йиллар кутган, ватандошларимиз ҳаётининг маъно-мазмунига айланган, онгу шууримизни тубдан ўзгартирган Истиқлолнинг йигирма уч йиллиги кўтаринки руҳ ва шоду хуррамлик билан танта-на қилинмоқда.

(Давоми 2-бетда).



Маънавият

### БОЛА АЗИЗ, ОДОБИ УНДАН АЗИЗ

Фарзанд – инсон ҳаётининг тотли меваси. У қалбларга қувонч, дилларга шодлик бахш этади. Унинг беғубор кулгиси оламини мунаввар этиб, заминни яшнатади десак муболага бўлмайди. Зеро, буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий болага "меҳри анбар" – "уйни ёритадиган ва оилга бахт-қувонч келтирадиган нур", дея таъриф берган эди.

Мамлакатимизда фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Негаки, улар ота-она ва Ватан олдидаги бурчларини адо этишлари учун жисмонан ва маънан соғлом бўлишлари керак. Бола тарбияси масаласи давлат сиёсати даража-

сига кўтарилиб, вояга етмаганлар ўртасида тарбиявий ишлари кўрилатириши, жинойатчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳамда уларнинг турли диний экстремистик оқимларга қўшилиб қолишларининг олдини олиш мақсадида айтишга аризилик ишлар бажарилимоқда.

(Давоми 2-бетда).

2014 йил – Соғлом бола йили

### КОМИЛ ФАРЗАНД – ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Мухтарам Президентимиз 2014 йилни "Соғлом бола йили" деб эълон қилар экан, нафақат жисмонан, балки маънавий соғломликни назарда тутган эди. Демак, фарзандларимиз ақлан ва маънан баркамол бўлиб улгайишлари керак.

Комиллик билимли, ақлли ва албатта одоби болаларда мукамал шаклланади. Бу эса ўз навбатида ота-она зиммасига катта масъулият юклайди. Бинобарин, буюк бобоқалонимиз Абу Али ибн Сино ота-она учун фарзанд тарбиясидан масъулиятроқ иш йўқлигини алоҳида таъкидлаган.

Менимча, ота-она фарзандининг иқтидорига қараб замонавий илмларни, хусусан, ҳорижий тилларни ўрганишига рағбат уйғотмоғи лозим. Бундай фазилят билим олиш, айниқса, чет тилларини ўрганиш учун барча шароитлар яратилган бизнинг жамиятимизда муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, фарзандларимиз ўзга тилларни ўзлаштиришга, ҳорижга чиқиш, дунё ҳамжамияти билан алоқа боғлаш имкониятларига эга бўладилар.

Инсондаги комилликнинг муҳим мезони юксак ахлоқдир. Оиладаги соғлом муҳит, ота-онанинг бир-бирига муносабати бола тарбиясига таъсир қилиш билан бирга дунёқарабини кенгайтиради. Мунтазам китоб мутолаа қилинадиган, ота-оналар бир-бирлари билан одоб

Абдуғаффор  
ЖУМАБОВ,  
фахрий педагог.

### Маурицио Чампи:

### «ЎЗБЕКИСТОН – УЛКАН ИМКОНИАТЛАР МАМЛАКАТИ»

Аввал хабар берилганидек, мамлакатимиз давлат мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан ҳорижий мамлакатлар сиёсий, эксперт-таҳлил ва маданий доираларнинг вакилларида кутловлар келиши давом этмоқда.

Ўзбекистон улкан имкониятлар мамлакатидир, – деди Италиядаги Муқаддас Чичили консерваторияси профессори, "Беллини" халқаро опера фестивали директори, дирижер ва композитор Маурицио Чампи "Жаҳон" ахборот агентлигига берган интервьюси чоғида. Мамлакатимизда ажодларига муносиб баркамол авлодни вояга етказиш учун барча зарур шароитлар яратилгани эътиборга сазовордир.

(Давоми 2-бетда).

### Вилоят ҳаёти

#### ДАДИЛ ИЛК ҚАДАМ

Ангрендаги "Ёшлар маданият ва санъат" марказида мустақиллигимизнинг 23 йиллиги ҳамда "Илк қадам" ёш ижодкорлар тўғрисидаги 5 йиллиги муносабати билан "Дилларда Ватан маҳзи" тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда "Илк қадам" ёш ижодкорлар тўғрисида қатнашчиларнинг шеърлари намуналари, шунингдек, "Замин" театр студиясининг иқтидорли ёшлари саҳналаштираётган қизиқарли интермедиялар йиғилганларга байрамона кайфият улашди. Фахридин Мамадалиев раҳбарлигидаги "Фольклор" бадиий жамоасининг чиқишлари барчани хушнуд этди.

Юлдуз ФАЗЛИЕВА.

#### КЎЧАЛАР РАВОН БЎЛДИ

Зангиота тумани, Ўзғариш қишлоғи, "Беларик" маҳалласидаги Ёшлик кўчасининг 1 километри, Ёшлик 1-тор кўчасининг 700 метри туман ҳокимлиги, қолган 800 метри эса ҳомийлар ёрдами ва хашар йўли билан асфальтланди.

Навнихол кўчасининг 1,5 километри ва Шодлик кўчасининг бир километрга шағал тўкиб, асфальтлашга тайёрлаб қўйилди, – дейди маҳалла раиси Равайн Турбеков. – Бундан ташқари, "Ўзумзор" маҳалласининг 4 та тор кўчасига ичимлик ва оқова сув қувурлари тортилди. Қолган кўчалар ҳам навбати билан тазмирланади.

Нозима РАҲИМОВА.

#### НАВБАТ – ҚУЁШ ҚУВВАТИГА

"Ўзметкомбинат" корхонасида йўлга қўйлаётган муқобил энергия манбаларидан, аввало қуёш энергиясидан фойдаланиш иқтисодий самара бераётгани.

Чунончи, ўтган йилга қадар комбинат бошқарув биноларида йиллик қуввати 28,8 Гкал иссиқлик энергиясига тенг 32 дона қуёш коллектори фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, жорий йилнинг апрель-июнь ойларида комбинатга қарашли "Саховат" уйида йиллик қуввати 186 Гкалга тенг 10 дона, "Металлург" пансионатида эса 180 Гкал қувватдаги 46 дона қуёш коллектори ўрнатилди.

Феруза ТЎРАЕВА.

### Биринчи кўнғироқ

## САЛОМ, ҚАДРДОН МАКТАБ!

Ниҳоят, болажонлар ёз бўйи орзиқиб кутган қувончли онлар етиб келди. Куни кеча вилоятимизнинг 879 та умумтаълим мактабида янги ўқув йили бошланишидан дарак берувчи илк кўнғироқ садолари янгради.

Минглаб ўғил-қизлар байрамона кайфиятда, ўзгача иштиёқ ва ғайрат билан билим даргоҳларига ташриф буюришди. Тадбирларда вилоят ҳокимлиги, Маънавият ва тарғибот маркази ҳамда таълим муассасалари вакиллари, ота-оналар мустақиллик йиллари мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларини эътироф этишди. Бу йил 48 минг 616 ўқувчи мактаб даргоҳига илк қадам қўйди. Уларга Президент совгалари – ўқув куроллари ва папкалар жамланмаси тўхта этилди.

"Билимлар куни" муносабати билан барча умумтаълим мактабларида илк ўқиш – Мустақиллик дарсларидан бошланди. "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шiori остидаги машғулотлар ўқувчиларни фаол, изланувчан ва интилувчанликка чорлади.

– Янги ўқув йили ҳар доимгидан ҳам кўтаринки кайфиятда бошланди, –

дейди Зангиота туманидаги 42-умумтаълим мактаби директори Малика Иброҳимова. – Бу йил мактабимизда 836 ўқувчи таҳсил олади, шулардан 125 нафари биринчи синфга қабул қилинди. Улар учун қулай шароитлар яратилган.

Ҳозир вилоятда 1399 та



таълим муассасаси мавжуд бўлиб, 879 та умумтаълим мактаби, 2 та Меҳрибонлик уйи, 423 та мактабгача таълим муассасаси, 19 та "Баркамол авлод" болалар маркази, 35 та Болалар ва ўсмирлар



давоғ ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти фаолият юритмоқда.

Янги ўқув йили Тошкент Давлат аграр университетиде ҳам байрамона кайфиятда кутиб олинди. Бу йил давлат тест синовларидан муваффақиятли ўтган 1476 ўғил-қиз талабалikka қабул қилинди. 388 талаба давлат гранти асосида таҳсил олишга миясасар бўлди. Улардан 41 нафари ҳарбий хизмат бурчини бажариб, тавсияномага эга бўлган ёшлардир.

Саид ҲАСАНОВ.

СУРАТЛАРА: Зангиота туманидаги 42- ва 62-мактабларда бўлиб ўтган биринчи кўнғироқ тадбирларидан лавҳалар.

Даврон АҲМАД ва Азамат АҲМЕДОВ олган суратлар.

## АЁЛЛАРИ ЭЪЗОЗЛИ ЮРТ БУ!

Вилоятимиз аҳли мустақиллик байрамини ҳамжихатликда, кўтаринки руҳда кутиб олди. Олмалиқда ўтказилган

байрам тантаналари Қибрайдаги 2-музыка мактабида "Аёллари эъзозли юрт бу!" мавзусида давом этди.



– Истиқлол шарофати билан бугун яна дийдорлашиш бахти насиб этди, – деди вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиева. – Мамлакатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш бора-бор кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони доирасидаги сайёра-харакатларимиз самараси чехрангиздаги ёруғлик, нигоҳларингиздаги меҳр, фахр-ифтихорда яққол акс этиб турибди. Бугун вилоят

тимиз хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилотлари раислари ва фаолларини, "Энг намунавий хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти" кўрик-танловгои қолиблари ва иштирокчиларини тақдирлаш учун йиғилдик. Мақсад, бугунги фаровон ҳаёт, обод турмуш, соғлом оила, соғлом бола, баркамол авлод тарбиясида муносиб хизмат қилаётган фидойи хотин-қизларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиши.

Дарҳақиқат, тадбирда жамиятда ўз ўрни, ўз сўзи бўлган жонқуяр хотин-қизлар, иқтидорли ёшларга кўрсатилган эъзоз, эҳтиромдан кўнглилар тоғдек кўтарилди. Ўзбекистон халқ шоири, сенатор Маҳмуд

Тоир ва бошқа ижодкорларнинг Ватанона, аёлларга бағишланган шеърлари, дил иззорлари барчани хушнуд этди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси ва вилоят хотин-қизлар кўмитасининг фахрий ёрлиқ ва совгалари совриндорларни чуқур ҳаяжонга солди.

– Инсон кўнгли кишиши, – дейди Тошкент Давлат аграр университети хотин-қизлар бошланғич ташкилоти раиси Дилбар Холиқова. – Бизга кўрсатилаётган эътибор, рағбат нафақат жамоада, балки оила, фарзандлар олдида юзимизни ёруғ қилди. Яқинда болалар газетанда чиққан



суратимни кўтариб келишди. Уларнинг юзидagi қувончли бир кўрсангиз эди. Демак, бундай эътироф, рағбатдан куч олиб, яна фидойиллик билан меҳнат қилиш, ишончли оқлаш асосий вазифамиз, бурчимиз бўлиши керак.

Сайёра РИХСИЕВА,  
"Тошкент ҳақиқати"  
муҳбири.  
Азамат АҲМЕДОВ  
олган суратлар.

Вилоятимизнинг фаол ёш кексалари, Ватан тараққиётига, республика иқтисодиёти ҳамда ижтимоий ҳаёти равангага муносиб ҳисса қўшаётган кўп қабатли соҳа вакиллари Олмалик шаҳрида 12 минг томошабинга мўлжаллаб янги бунёд этилган муҳташам "Олмалик" спорт мажмуасида жамулам бўлиблар. Чор-атроф байрамода руҳда безатилган, минглаб ясан-тусан ўғил-қизлар, жажжи болажонлар шодиёна иштирокчиларига кўтаринки руҳ улашди.

Вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов вилоят аҳлини юртимиз мустақиллигининг 23 йиллиги билан самимий муборакбод этди. Уйингоҳ узра Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси янгради. Тантана иштирокчиларининг шу дамдаги қалб туйғуларига гувоҳ бўлган киши улар шу озод ва хур Ватанда тинч ва осойишта яшаётганларидан чексиз миннатдор ва бахтиёр эканларини ҳис этди.

...Майдонга болажонлар чиқишди. Уларнинг бегубор ва шодон кулгилари, шўх-шодон кўшиқлари, кувнок рақслари йиғилганларнинг қалбига кўтаринкилик улашди. Аскарлар жанговар ҳарбий тайёргарликларини, ёш спортчилар юксак маҳоратларини намойиш этишди. Томошабинлар юртимиз сарҳадлари ишончли кўлларида эканига яна бир бор амин бўлишди. Тантаналарда ватанпарварлик руҳидаги кўшиқлар янгради.

Юртимизда бўлганидек, вилоятимиздаги улкан бунёдкорлик ишларидан юрагиди шу азиз Ватанга муҳаббатни чексиз фуқароларимизнинг муносиб ҳиссаси бор. Шун-

(Давоми. Боши 1-бетда).

дай фидойи кишиларимизнинг анъанага кўра, мустақиллик байрами арафасида давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлаётгани вилоятимиз аҳлининг кучига-куч, ғайратига ғайрат кўшмоқда. Хусусан, бу йил ҳам унлаб кишиларимиз меҳнати давлат

да Тошкент вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида "ги ҳамда "2013-2015 йилларда Тошкент вилотида йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги

шилди. Ангрэн махсус индустриал зонаси ҳудудиде янги шакар заводи бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди. Кунига минг тонна, йилга 350 минг тоннадан зиёд шакар ишлаб чиқариш имкониятига эга ушбу корхонада 221 та муқим иш ўрни яратилди. Воҳа-

лион 825 миллиард сўмга етиши кутилмоқда. Бундан ташқари, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга республика ва маҳаллий бюджет ҳамда банк кредитлари ҳисобидан қарийб 1 триллион 561 миллиард 816 миллион сўм йўналтирилиши режалаштирилган.

Шуниси қувончлики, жойларда намунавий лойиҳа асосида бунёд этилаётган қўлай шароитларга эга 900 та янги уй-жой байрам арафасида эгаларига топширилди. Ангрэн, Бекобод, Олмалик ва Чирчиқ шаҳарлари, Бўстонлик ва Охангарон туманларида кўп қаватли, лойиҳа-сметаси 11 миллиард 500 миллион сўм қийматга эга "Камолот" уйлари қурилиб, узоқ муддатли имтиёзли кредит асосида 143 ёш оилага тақдим этилди.

Бундай бунёдкорлик ишлари бутун вилоят аҳлини, шу воҳа фарзандиман деган ҳар бир фуқаронинг қалбини гурур ва ифтихорга тўлдирди, албатта. Зеро, муҳташам "Олмалик" спорт мажмуасида бошланган байрам тантаналари оқшом қоронғусигача давом этгани бежиз эмас.

Томошабинлар эл ардоғидаги санъаткорларнинг гўзал куй ва кўшиқларини тинглаб, рақс тўшиб, мириқиб хордиқ чиқаришди.

Бу каби байрам тантаналари ва сайиллар вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида давом этмоқда. Зеро, Ўзбекистонимиздек фарован ва осудора юртга шундай байрам шодиёналар ярашади! **Ҳасанбой САБДУЛЛАЕВ, Азамат АХМЕДОВ, Қобилжон ҒОҒУРОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.**

# СЕНИ КУЙЛАБ ТОЛМАЙМИЗ, ВАТАН!



мукофотлари билан тақдирланди.

Вилоятда амалга оширилаётган ислохотлар самаралари тарих зарварларига ўчмас ҳарфлар билан битилиб, хотираларда мангу қолиши шубҳасиз. Таъбир жоиз бўлса, буни Президентимизнинг "2013-2015 йиллар-

қарорлари ижросида кўриш мумкин.

Ушбу қарорлар асосида вилоятда ишга туширилган 217 та корхона ҳисобига саноат махсулотлари ишлаб чиқариш 5 триллион 185 миллиард сўмдан ошиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,8 фоиз ўсишга эри-

да бундай улкан салоҳиятга эга йирик корхоналар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Саноат салоҳиятини янада кўта-ра қўйиш қаратилган Дастурнинг амалга оширилиши натижасида вилоятда саноат махсулотлари ишлаб чиқариш келгуси йилга бориб 8 трил-

## Маънавият

Вилоят ИИБ Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси катта инспектори Зулайхо Қаландарова билан шу хусусда суҳбатлашдик.

— **Давлатимиз раҳбари билан ишлашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаб: "Тан олиш керак, ёшлар орасидаги жиноятчиликнинг сабаби — кўпинча биз катталар масъул бўлган уларнинг тарбиясида йўл қўйилган камчиликларнинг натижасидир" деган эдилар.**

Ҳақиқатдан ҳам шундай. Ақсарият ҳолларида ота-оналарнинг болалар тарбиясига бефарқлиги катта-катта муаммоларни келтириб чиқармоқда. Кўпинча: "Эрақ кўчанинг одами, фарзанд тарбияси онанинг зиммасида" дейишди. Мен бу фикрга қўшилмайман. Чунки, фарзанд хоҳ қиз, хоҳ ўғиллигидан қатъи назар, "Усмир" тадбири доирасида кўча-кўйда дайдиб юрган, уйи ва ўқув муассасаларидан қочиб кетган ўғил-қизларни аниқлаб, тушуштириш ишларини олиб борамиз. "Ўқувчи" махсус профилактик тадбирида эса таълим муассасалари вакиллари билан биргаликда ўқибдан йўлин товлаган, дарсларни сабабсиз қолдираётган ўқувчилар хулқи ўрганилади ва тегишли чора кўрилади.

"Ёшлар орасида гиёҳвандликка қарши кураш" ойлиги йирик тадбирларимиздан бири бўлиб, вилоятдаги 127 та ўрта-махсус касб-хуна қоллежи, 879 та мактаб ва олий ўқув юрти талабалари камраб олинди. Шунингдек, маҳаллаларда ҳам суҳбат-учрашувлар уюштирдик. Унда аҳолига гиёҳвандликнинг оқибатлари, моддий-маънавий зиёни, саломатликка зарари ҳақида мисоллар билан кенг тушуна бердик.

— **Ёшларнинг мазмунли дам олишлари учун турли қаҳвахона, бар ва компьютер хоналари кўпайиб бормоқда. Бу яхши албатта. Бироқ...**

— Маълумки, республика Президентининг ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган Қарори ички ишлар идоралари, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, васийлик ва ҳомийлик органларининг, шу билан бирга ота-оналарнинг масъулиятини янада кучайтириш, десак тўғри бўлади. Дастурнинг

**қукбузарликлар содир этилишининг олдини олишга оид ишлар хусусида тўхталсангиз.**

— Ички ишлар идоралари ходимлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, халқ таълими ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда "Усмир", "Ўқувчи", "Давомат", "Ғамхўрлик" ва "Ёшлар орасида гиёҳвандликка қарши кураш" широри остида мунтазам тадбирлар ўтказамиз. Бундан мақ-

51-бандида воёга етмаган ёшларнинг кўнгилларига жой (ресторан, қаҳвахона, бар, клуб, дискотека, кинотеатр, компьютер ва интернет хона)ларда тунги вақтда ота-онанинг қузатувисиз бўлишларининг олдини олишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссиясининг асосий вазифаси сифатида белгилаб қўйилди. Ота-онанинг қузатувисиз соат 22 дан кейин кўнгиллар масканларида юрган воёга етмаганлар аниқланса, энг аввало, шу жойнинг раҳбарларига юқоридаги Кодекснинг 188-моддаси асосида чора кўрилади. Шунингдек, воёга етмаганлар ва уларнинг ота-она-

# БОЛА АЗИЗ, ОДОБИ УНДАН АЗИЗ

сад ёшларнинг ҳаётда адашмасликлари, шунингдек, уларга маънавий кўмак беришидир. "Усмир" тадбири доирасида кўча-кўйда дайдиб юрган, уйи ва ўқув муассасаларидан қочиб кетган ўғил-қизларни аниқлаб, тушуштириш ишларини олиб борамиз. "Ўқувчи" махсус профилактик тадбирида эса таълим муассасалари вакиллари билан биргаликда ўқибдан йўлин товлаган, дарсларни сабабсиз қолдираётган ўқувчилар хулқи ўрганилади ва тегишли чора кўрилади.

"Ёшлар орасида гиёҳвандликка қарши кураш" ойлиги йирик тадбирларимиздан бири бўлиб, вилоятдаги 127 та ўрта-махсус касб-хуна қоллежи, 879 та мактаб ва олий ўқув юрти талабалари камраб олинди. Шунингдек, маҳаллаларда ҳам суҳбат-учрашувлар уюштирдик. Унда аҳолига гиёҳвандликнинг оқибатлари, моддий-маънавий зиёни, саломатликка зарари ҳақида мисоллар билан кенг тушуна бердик.

— **Ёшларнинг мазмунли дам олишлари учун турли қаҳвахона, бар ва компьютер хоналари кўпайиб бормоқда. Бу яхши албатта. Бироқ...**

— Маълумки, республика Президентининг ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган Қарори ички ишлар идоралари, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, васийлик ва ҳомийлик органларининг, шу билан бирга ота-оналарнинг масъулиятини янада кучайтириш, десак тўғри бўлади. Дастурнинг

лари билан профилактик суҳбат ўтказилиб, оғоҳлантирилади. Бундай ҳол икки ва ундан кўп такрорланса, воёга етмаганларнинг ота-оналари билан етарли шуғулланмаганлари учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддасига биноан чора кўрилади. Фарзандлари эса ички ишлар идораларининг профилактик ҳисобига олинади.

— **Ички ишлар ходимлари ва тегишли ташкилотлар сэй-ҳаракати натижасида болалар орасида тиланчилик билан шуғулланиш сезиларли даражада камайди...**

— Шундай оилалар борки, уларда маънавий муҳит носоглом. Энг ачинарлиси, фарзандини шу йўлга бошловчи ота-оналар ҳам оз бўлсада учраб туради. Йилнинг биринчи ярмида фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи 70 дан зиёд ота-она ҳисобга олинди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63, 64-моддаларида талаб этилган мажбуриятларни бажармаган 15 ота-она суд қарорига асосан Оила кодексининг 79-моддасида белгиланган тартибда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Фарзандларининг таълим-тарбияси билан шуғулланмайдиган 483 ота-онага нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддаси тартибда чора кўриш кучайтирилади.

**"Тошкент ҳақиқати" мухбири Ирода НОРОБЕВА суҳбатлашди.**

## МЕҲНАТ ИНСОННИ УЛУҒЛАЙДИ

Кўтаринки кайфиятда суҳбатлашиб турган бу икки оҳангаронликнинг қувончи чексизлиги бежиз эмас. Президентимизнинг Фармонида мубофик, мустақиллигимизнинг 23 йиллиги муносабати билан уларнинг меҳнати юксак баҳоланди.



Маурицио Чампио:

## «ЎЗБЕКИСТОН — УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР МАМЛАКАТИ»

Ўзбекистон бўйлаб кўп марта сафарда бўлганман. Юртингиздан ҳар доим катта таассуротлар ва кўлаб янги гоғлар билан қайтар эдим. Ўзбекистоннинг музика ва опера санъати соҳасидаги иқтидорли фарзандлари ҳар сафар мени ҳайратга солади. Мамлакатингизда миллий музика санъатини ривожлантириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда, ёш иқтидор эгаларини ҳар то-

монлама кўлаб-қувватлаш, улардаги ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш учун ҳам зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Ҳуқуматнинг кўлаб-қувватлаши ва эътибори туфайли бугун Ўзбекистоннинг иқтидорли ёшлари дунёнинг энг нуфузли сахналари, фестивал ва танловларида фахр билан миллий санъатини намойиш этишмоқда. 2013 йилда юртингиз бўйлаб сўнги сафарим ҳам

жуда мазмунли кечди — пойтахтда жойлашган "Туркистон" санъат саройида ўтказилган "Тошкент баҳори" халқаро фестивалининг ҳайъат аъзоси сифатида иштирок этиш шарофати мўъжас бўлди. Мазкур фестивал том маънода ижодий алоқаларни йўлга қўйиш ва кенгайтиришни рағбатлантирадиган, ёш талант эгаларига опера санъатининг машур намоёндалари билан бир саҳнада чиқиш имконини берадиган ўзига

хос ижодий минбар ҳисобланади.

Ўзбек халқини давлат мустақиллигининг 23 йиллиги билан чин қалбидан табриклиман. Ўзбекистон ҳуқуматига кўча ва баракали заминда яшаётган меҳмондўст халқнинг фаровонлигини янада ошириш йўлидаги эзгу ишларида улкан зафарлар тилаш менга катта мамнуният бағишлайди.

**"Жаҳон" АА, Рим.**

## КИЧКИНТОЙЛАР БАЙРАМ ҚИЛИШДИ

Айниқса, инглиз тилида "Ватан" дея куйлашлари барчага қувонч бағишлади.

Бугунги кунда муассасада 368 кичкинтой тарбияланмоқда. 12 педагог-ҳодим ўз ишининг фидойиси. Турли тўғарақлар ишлаб турибди. Таэквандо, рақс, гимнастика, шахмат-шашка, инглиз тили, музика тўғарақларида болажонлар яйраб шуғулланишади. Аргимчоқлар, сув ҳавзаси, спорт майдончалари замонавий қиёфада.

— Жажжи бўлишига қарамай болажонларимиз ўз иқтидорларини намойиш этаётганларидан мамнунимиз, — деди боғча мудираси Нигора Болтабоева. — Чунки юртимизнинг яшнаши ўсиб келаётган авлод қўлида. Байрам шодиёнаси кўтаринки кайфиятда ўтиб, шўх-шодон куй-кўшиқлар иштирокчиларни рақсга чорлади.

**Рухона СОЛИЕВА, Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**



Муқаддас бурч

## БЎЛАЖАК ОФИЦЕРЛАР ҚАСАМЁДИ

Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртида жорий йилда шу даргоҳга қабул қилинган курсантларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзоси И. Ҳалимбеков ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз Кўролчи Кучларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўз самарасини бераётгани, ёшларимизда эл-юрт осойишталиги, осмонимиз мусафоллиги, сарҳад-

ларимиз дахлсизлигини таъминлаш йўлида хизмат қилиб, Ватан ҳимояси учун камарбаста бўлишга қизиқиш ва интилиш кучайиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Мазкур билим юртида бўлажак офицерларнинг ўқиб-ўрганиши, жанговар тайёргарлигини ошириши учун барча зарур шароитлар яратилган.

Ҳаётини ҳарбий соҳа билан боғлаган йигитлар ора-

сида Шохруҳ Суенов ҳам бор.

— Ўғлим болалигидан ҳарбий бўлишга, ҳарбий техникаларни бошқаришга қизиқарди, — дейди Шохруҳнинг онаси Дилафрўз Собирова. — Унинг бу қизиқиши коллежда таълим юртига ҳужжат топширишга аҳд қилди. Мана, барча синовлардан муваффақиятли ўтиб, ўқишга қабул қилинди. Шохруҳнинг ораси ушалганидан бир суянган бўлсам, маросимда уни ҳарбий либосда қасамёд қилганини



кўриб, янада қувондим, фахрландим. Фарзандларимиз камоли учун барча шароит ва имкониятларни яратиб бераётган Президентимиздан миннатдоримиз.

**Бекзод ҲИДОЯТОВ, Уза мухбири.**

## ТААССУРОТЛАРГА БОЙ УЧРАШУВ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан Янгийўл туманида мактаб директорлари ва мактабгача таълим муассасалари мудири иштирокида "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" широри остида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходимлари, шоир, ёзувчи ва журналистлар юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари тўғрисида тўхталиб, она Ватан ва халқимизни улуғловчи шеърларидан намуналар ўқиб бердилар. Учрашув эркин суҳбат ва савол-жавоблар тарзида ўтди.

**А. КАМОЛОВ.**

## ФАОЛЛАРГА СОВҒАЛАР, ИМТИЁЗЛИ ЙЎЛЛАР

Вилоят қасаба уюшмалари ташкилоти бирлашмаси истиклолнинг 23 йиллигига бағишлаб, "Ўзбекино" миллий агентлигида "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" широри остида маданий-маърифий тадбир ташкил этди.



Унда корхона, ташкилот ва муассасаларнинг фаол аёллари, олий ўқув юртининг аълочи, жамоат ишларида фаол талабалари ва устозлар иштирок этди.

— Мустақиллик йилларида аёллар салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадида уй-рўзгор юмушларини енгиллаштиришга қаратилган истеъмол кредитларини кўпайтиришга ёрдамимиз теғди, — дейди бирлашма кенгаши раис ўринбосари Рустам Турдалиев. — Жумла-

дан, байрам тадбири муносабати билан 136 аёлга рўзгор ва ошона жиҳозлари, 6 аёлга эса санаторийларга бепул ҳамда имтиёзли йўлланма, "Ватан ўз ватанпарварларини хотирлайди" акцияси доирасида эса хизмат вазифаларини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ички ишлар органлари ходимлари оилаларига совғалар берилди.

**Наргис МАМАТҚУЛОВА, Қобилжон ҒОҒУРОВ олган сурат.**

Семинар

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлини масаласи вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида "Ахборот хизматларининг ОАВ ва жамоатчилик билан самарали ҳамкорлиги масалалари" мавзусида семинар-тренинг ташкил этди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқ-шароитини таъминлаш мақсадида ахборот хизматларини янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилиш, давлат идораларининг жамиятдаги обрў-нуфузини шакллантиришда ахборот хизматлари ролини ошириш ҳамда шу соҳа вакиллари билан ақилдорлик билан амалий кўникмаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилган тренингда давлат ва жамо-

ат ташкилотлари вакиллари, даврий матбуот нашрлари ходимлари, медиа-соҳа экспертлари қатнашди. Иштирокчилар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни ҳар қандай шаклда қўллашнинг миллий-ҳуқуқий база ҳамда оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институти ва фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқини таъминловчи тамойиллар билан танишишди.

АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ИСТИҚБОЛИ

Шунингдек, иштирокчилар давлат тузилмалари веб-сайтлари фаолиятини янада такомиллаштириш, "электрон ҳукумат"ни жорий этиш билан давлат бошқаруви тизимини ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Музокаралар давомида ахборот соҳасини янада такомиллаштириш, ахборот хизматларининг ОАВ ва жамоатчилик билан алоқалари самарасига оид мулоҳаза ва таклифлар тингланди.



Саид АҚБАРОВ, Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.

Мактаб ярмаркаси

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА – ЯНГИ КУЧ БИЛАН



– Бу йил ўқув йилига 3-синф борди, – дейди Солиқ қиллоғчи Маржона Мирмахмудова. – Ёнгинамизда мактаб бозори ташкил этилган айни мuddао бўлди. Нима хоҳласангиз топасиз, ўқув-курслари, мактаб формаси ҳатто пойабзалгача бор, нархлари ҳам арзон.

Тумандаги савдо корхоналари мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ўқув анжумлари ва дарсликларнинг сотувга қўйилган. Фазалкент шаҳри, Чорбоб шаҳарчаси, Янгиовул қишлоғи, Жаҳонобод, Қўшқўрғон қишлоқлари ва бошқа умумтаълим мактаблари қўшида ташкил этилган бозорларда савдо авжидда. Бундан ташқари, туман деҳқон бозори ҳудудидидаги 42 та савдо растанси ажратилган. Хоҳласангиз пластик қарточка орқали харид қилишингиз мумкин.

Мукаддас ИСРОИЛОВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири, Даврон АҲМАД олган сурат.

Давра суҳбатлари

ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР КИРИТИЛДИ

21-26 август кунлари Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлини масаласи вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида "Ахборот хизматларининг ОАВ ва жамоатчилик билан самарали ҳамкорлиги масалалари" мавзусида семинар-тренинг ташкил этди.

2009 йилги партия сайловолди дастурий мақсадлари ижроси якунлари ва яқинлашадиган сайловларда дастурий ҳужжатларни тайёрлашга асосий ёндашувлар мавзусида давра суҳбатлари ташкил этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари депутатлари, сиёсий партиялар фаоллари, мустақил

институт вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирлар кун тартибиде давра суҳбатлари ташкил қилинди.

Давра суҳбатлари иштирокчилари партиянинг

сайловолди дастуриларини тайёрлашда керакли методик билимларга эга бўлдилар. Бу эса сайловолди дастурий ҳужжатларнинг сифатли тайёрланишига хизмат қилади.

Т. АЛИҚУЛОВ, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят бўлини етакчи мутахассиси.

ЭЪЛОНЛАР

Умумтаълим муассасалари раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2013 йил 16 октябрдаги 6-мб-сон қарорининг 53-сонли иловасига қўра Халқ таълими вазириликнинг умумтаълим муассасалари томонидан 2-та'лим (UO'T) shakli (йиллик) "Умумтаълим муассасасининг 2014/2015 ўқув йили бошига" ҳисоботи 2014 йилнинг 15 сентябрь кунидан кечиктирмай тақдим этилиши белгиланган. Бунда:

– умумтаълим муассасалари ушбу ҳисобот шаклини Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш тўғрисида (шаҳар) бўлимига;

– Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш тўғрисида (шаҳар) бўлимига;

– вилоят халқ таълими бошқармасига жорий йилнинг 20 сентябрь кунидан кечиктирмай тақдим этилиши белгиланган. Бунда:

– умумтаълим муассасалари ушбу ҳисобот шаклини Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш тўғрисида (шаҳар) бўлимига;

– умумтаълим муассасалари ушбу ҳисобот шаклини Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш тўғрисида (шаҳар) бўлимига;

Тошкент вилояти ҳокимлигининг йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментининг "Тошкент вилояти ҳудудиде шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2014 йил 29 августдаги 34-сонли Баённомасининг қарори билан: Ўзбекистон Республикасининг "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонунининг 23-моддасига асосан:

1. "Оқ тулпор" масъулияти чекланган жамиятига Тошкент вилояти ҳудудиде йўловчиларни шаҳар атрофида енгил автомобилларда ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли 000350 рақамли лицензиянинг амал қилиш мuddати 2014 йил 29 августдан тугатилди.

Table with 4 columns: No, Davlat objekti nomi va manzili, Balansda saqlovchi, Ummiy er maydoni (ga), Binoniyning umumiy maydoni (kv.m.), Ob'ektning bo'langich narxi (ming sum)

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2013 йил 10 майдаги 273-сонли фармойишига асосан хусусийлаштирилиши белгиланган объект

Table with 4 columns: No, Davlat objekti nomi va manzili, Balansda saqlovchi, Ummiy er maydoni (ga), Binoniyning umumiy maydoni (kv.m.), Ob'ektning bo'langich narxi (ming sum)

Олди-сотди шартномаларини тузиш шартлари: оммавий оферта натижалари эълон қилинган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномасини тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Сотувчининг куйидаги банк рекевизитларига закалат пулини тўлашлари лозим:

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси:

Фазначиллик ҳисоб рақами: 20042186026266000000000002 СТИР 200555539

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ХҚКМ х/р: 23402000300100001010 СТИР 201122919, МФО 00014.

Оммавий офертада қатнашишга буюртманома қабул қилиш, билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва 2014 йил 7 октябр кунин соат 13.00 да тамом бўлади:

Талабгорнинг таклифлари билдирилган конвертлари 2014 йил 7 октябр кунин соат 18.00 да Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси биносида очилади.

Оммавий офертага қатнашиш учун савдо ташкилотчасига талабгор еки унинг вакили ом-

мавий оферта тўғрисидаги эълонда белгиланган мuddатларда шаҳсан ўзи еки почта орқали куйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

1. а) Юридик шахслар учун – давлат руйхатинда ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлик ваколатли вакилнинг оммавий офертада қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш мuddати; – инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни тўлаш шакли, мuddати ва шартлари (агар мавжуд бўлса);

– агар бу оммавий оферта шартларида белгиланган бўлса, қўшимча равишда талабгорнинг молиявий мустақиллигини ва (ёки) тегишли тармоққа олдидан амалга оширилган инвестиция лойиҳаларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар киритилиши мумкин. Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча арақалар талабгорнинг мухри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Мурожаат учун манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳқўчаси, 107-уй. Маълумот учун телефонлар: (8-371) 268-27-29, 268-23-21, факс: 268-27-29

E-mail: toshvilgaofat@inbox.uz Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.gki.uz, www.gkitorg.uz Хурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 ёки Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг (8-371) 267-74-64 рақамли Ишонч телефонига зўрдлик билан хабар беришингиз сўралади.

Савдоларга марҳамат қилинг!

Дикқат! Дикқат! Дикқат! Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига! Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2014 йил 16 октябрдаги 6-мб-сон қарорининг 53-сонли иловасига қўра Халқ таълими вазириликнинг умумтаълим муассасалари томонидан 2-та'лим (UO'T) shakli (йиллик) "Умумтаълим муассасасининг 2014/2015 ўқув йили бошига" ҳисоботи 2014 йилнинг 15 сентябрь кунидан кечиктирмай тақдим этилиши белгиланган. Бунда:

"КО'Р ТАРМОҚЛИ КО'СНМАС МУЛК САВДО" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этилади! Аукцион савдосига 1) Тошкент шаҳар Бектемир тумани СИБ томонидан Мировод тумани Фуқаролик ишлари бўйича суднинг 06.02.2013 йилдаги 1-383-3998/13-сонли ижро варақасига асосан тақдим этилган куйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда: бошланғич нархи – 711 000 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Чилон ота кўчаси, 5-уйда жойлашган умумий майдони 1084 кв.м. бўлган 2 қават ва ертўладан иборат "Об'ект биноси"; 2) Тошкент шаҳар СИБ томонидан Жинот ишлари бўйича Юнусобод тумани судининг 21.08.2013 йилдаги 403/13-сонли ижро варақасига асосан тақдим этилган бошланғич нархи – 674 274 672 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Ойбек кўчасида жойлашган, умумий майдони 1,84 га бўлган (бино ва иншоотлар 0001 литердан 0003 литергача, 0004 литердан 00069 литергача қурилиш тугалланмаган ҳовуз ва иншоотлардан иборат "Болаяр спорт-сўғломлаштириш мажмуаси"); 3) Тошкент шаҳар СИБ томонидан Жинот ишлари бўйича Юнусобод тумани судининг 21.08.2013 йилдаги 403/13-сонли ижро варақасига асосан тақдим этилган бошланғич нархи – 3 239 768 715 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Олтин Водий 2-берк кўчаси, 59-уйда жойлашган ер участкасининг умумий майдони 19992 кв.м. бўлган (0001, 0007, 0009, 0011, 0012, 0013 литердан иборат қурилмадан ҳужжатсиз) нотарражой биноси. Аукцион савдолари 2014 йилнинг 3 октябр кунин соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Тарабгорлар давлат активи бошланғич баҳосини 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "КО'Р ТАРМОҚЛИ КО'СНМАС МУЛК САВДО" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қўйиб қўйиш мuddати савдоси ўтказилиши билан бир иш кунин соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: № 0039.

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан руйхатга олинган "SOBIR TAYYORLOV" МЧЖнинг устав жамғармаси 38 070 179 сўмдан 36 370 179 сўмга камайишини маълум қилади. Телефон: 357-01-00.

Чилонзор тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 04.01.2010 йилда руйхатга олинган "ULUG'BEK MEBEL" МЧЖга тегишли бўлган юридик шахсини давлат руйхатинда ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (реестр № 005532-08) ва устав йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ООО "LUI-STAR" Яккасарайского района г. Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда с 25 000 000 сум до 4 500 000 сум. Телефон: 992-17-47.

ООО "INTELLEKT SERVIS MONTAJ" (ИНН 302563414), зарегистрированное ИПСР хокимията Шайхантахуркого района г.Ташкента за № 005280 от 03.04.2013 г. (реестр № 006633-09), расположенное по адресу: г. Ташкент, ул. А. Навои, дом 2-А, ЛИКВИДИРУЕТСЯ (решение собрания учредителей № 002 от 29.08.2014 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по телефону: 591-48-00.

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 03.06.2013 йилда № 008366-10 реестр рақами билан руйхатга олинган, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 9-мавзе, 20-уй, 26-хонадонда жойлашган "BEXRUZ EXCLUSIVE BUSINESS" (ИНН 302626230) МЧЖ ТУГАТИЛАДИ (28.08.2014 йилдаги 1-сонли мажлис баённомасига асосан). Давлолар 2 ой давомида Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 9-мавзе, 20-уй, 26-хонадонда қабул қилинади.

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 23.04.2014 йилда № 009118-10 реестр рақами билан руйхатга олинган, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 8-мавзе, 15-уй, 10-хонадонда жойлашган "FARZONA-YOG'DU" (ИНН 302926159) МЧЖ ТУГАТИЛАДИ (27.08.2014 йилдаги 1-сонли мажлис баённомасига асосан). Давлолар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида Юнусобод тумани, 8-мавзе, 15-уй, 10-хонадонда қабул қилинади. Телефон: (+99890) 808-16-39.

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан руйхатга олинган "COMMON MEBEL" хусусий корхонасига тегишли бўлган бир дона думалок муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Олов – тилсиз ёв

Пахтакорларимизнинг машаққатли меҳнати билан вилоятимиз далаларида мўл "оқ олтун" ҳосили етиштирилмоқда. Эндиги мезофа халқимиз ризқ-рўзи бўлган ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш, хусусан, бу жараёнда ёнгин хавфсизлигини таъминлашдир.

ШТАБ ВА ИШЧИ ГУРУҲЛАР ҲАРАКАТДА

Вилоят ИИБ ёнгин хавфсизлиги бошқармаси йиғим-терим мавсуми давомида пахта ҳосили нест-нобуд бўлишининг олдини олишга оид ташкилди чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, амалга оширмоқда.

Ишчи-хизматчи, автотранспорт ҳамда тиркамали трактор ҳайдовчилари билан ёнгин хавфсизлиги қоидаларига оид суҳбат, йўриқномалар ўтказилди ва камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Масвумга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш даврида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида жалб этиладиган одам кучи ва техника воситаларини марказлаштирилган ҳолда бошқариш, жойлардан тўшаётган ахборотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш мақсадида бошқарма қўшида тезкор штаб ва унинг ишчи гуруҳлари тузилди. Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари мавсум олдиндан вилоят ҳудудидеги 8 та пахта тозалаш корхонаси ва уларга қарашли қабул пунктларининг ёнгинга қарши ҳолати тўлиқ ўрганиб чиқилди.

Бошқарма ёнгин хавфсизлиги қоидаларини тарғиб этиш мақсадида типография усулида турли рангли эслатма ва плакатлар тайёрлаб, жойларга тарқатди.

Масвумга жалб этиш режалаштирилган автомобиль ва тиркамали тракторларнинг тайёргарлиги, билрамчи ёнгин ўқирчи воситалари билан таъминлангани, учкун сундиргичлар билан жиҳозлангани ва ёқилги-мойлаш тизимларининг созлиги текширилди, аниқланган камчиликлар корхона ва масъул ходимларга кўрсатиб ўтилди. Масъул ходим,

Хозирги кунда жойларда ёнгин хавфсизлиги қисмларининг навбатчилари пахта тозалаш корхоналари ва қабул пунктларига ёнгинга қарши сув гидрантлари ва ховузларни текшириб, ёнгинни ўчиришга оид амалий-тактик машғулотлар ўтказишмоқда.

Масвумда ишчи-хизматчилар, автотранспорт ҳайдовчилар уртасида мунтазам тушунтириш олаб тозалаш корхоналари ва қабул пунктларига ёнгин хавфсизлиги ходимлари бириктирилиб, уларнинг туну кун узлуқсиз навбатчилиги қилишлари ташкиллаштирилади.

Шўхрат ЭСАНОВ, вилоят ИИБ ёнгин хавфсизлиги бошқармаси бўлим бошлиғи.

Истиклол мушоираси

ДИЛБАР ВАТАНИМ БОР!



Юртимни яшнатиб эсмоқда сабо, Хар тонг нур тўққандан яшнар чаманим. Дилга шуқуҳ солар бир оҳанрабо Дилбар Ватаним бор, дилбар Ватаним!

Истиклол баҳрида қадримдир осмон, Хар қадам равнақдир, фаровонлик шон. Бахтимга жүр бўлиб куйлайди замон, Дилбар Ватаним бор, дилбар Ватаним!

Озод мамлакатнинг озод қизиман, Орузи чарогон ой, юлдузиман. Хурликдан суюнган ашвор, сўзиман – Дилбар Ватаним бор, дилбар Ватаним!

Эзгу юмушингдан четда қолмайман, Ватан, хизматингдан асло толмайман. Сендан ўзгасини тан ҳам олмайман – Дилбар Ватаним бор, дилбар Ватаним!

Матлуба ҲОЖИМУРОВА.

ЖАВОБ БИТТА

Англа Дунё, тингла Дунё бермасдан савол, Собитлиги боболарим заҳматларидан, Мехрибонлик момоларим шафқатларидан. Биз ўзбеклар азалдан ҳам меҳнаткаш, ҳалол. Сиёсати ҳар бир ёшга порлоқ келажак, Камолоти, элим айтган раҳматларидан. Марди бўлсанг жаҳон аҳлин тан ол бемалол, Буюк йўлда буюк режа – "Ўзбек модели", бизнинг ИСТИҚЛОЛ! Биздан йироқ иқтисоднинг инқироз сели. Дину имон, эътиқод – ҳур, Қонун устувор, Маънавият юксак эдир, ўзбеклар эли. Англаб Дунё, тинглаб Дунё, кўйсанг минг савол, Сайдин сўйлар ўз бахтидан яйраб, бемалол. Жавоб битта, олам аро ҳаққоний, ҳалол. Ўттиз миллион қалбини бирдек ёқиб қўйган ҳам. Бозорбой САЙДИН.

Болалар спорти

ИЛК СУЗИШ МУСОБАҚАСИ

Зафар шаҳарчасида ёзги сузиш хавзаси фойдаланишга топширилганга ҳали кўп бўлгани йўқ. Бу ерда 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқувчилари сув спорти бўйича машғулотлар ўтказиб боришади.



Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги арафасида ушбу иншоотда дастлабки сузиш мусобақаси ўтказилди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси туман кенгаши соврони учун ўтказилган мусобақада катта ва кичик гуруҳда ўғил болалар (15 ва 12 ёшли) ҳамда қизлар иштирок этдиши.

лантиради, кизиқликлари кучайтиради, сув спортини кенг тарғиб қилиб, ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлик ҳамда маҳоратларини оширади, – дейди 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби йўриқчи-услубчиси Э. Жумабоев.

қизлар гуруҳидан Моҳидил Абдулатипова голибликни кўлга киритдилар. Голиб ва фаол иштирокчилар "Миллий тикланиш" партияси туман кенгашининг дипломи ва эсдалик совгалари билан тақдирландилар. Каримқул БОБОҚУЛ ўғли.

Сузиш баҳслари болалар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакл-

Bolalik bog'i

ТАНВЕН!



suv quydi... Shu payt ularning yonidan oppoq soqolli Qodir bobo hassasini do'qillatib o'tib qoldi. Ikki o'rtog darrov o'rinaridan turib, boboga salom berishdi. Bobo alik olarkan, ko'zi loy to'la qozonga tushdi. – Iya, chiroqlarim, bu nima qilganingiz? Qozonni iflos qilibsizlar-ku, – dedi bosh chayqab. – Biznikida qozon ko'p, bobo, o'ynagimiz keldi-da, – dedi Oybek. – Bu – noyob qozon, bolam, uni boboingning bobosi yasagan. Uni asrab-avayalash kerak, uqdingmi? – Uqdim. Oybek uyaylib yerga qaradi. Tunov kuni ustozining milliy merosimiz haqida aytgan gaplari esiga tushib, xato ish qilganini tushundi. Oybek qozonni darrov yuyib, avaylab joyiga qo'ydi. Uning dilidan shunday fikr o'tdi: boboingning bu hunarini men ham o'rgansamchi... Jасur NURBOYEV.

Машхурлар ҳаётидан

Ким нима дардда?

Сўқрот бир танбал бойга ҳамроҳлик қилиб, сафарга чиқибди. Қўтилмаганда сал нарида қароқчи тўда кўрибди. – Войдод, қароқчилар мени таниб қолишса, шўрим қурийдик-ку! – дебди бой кўриб-қақшаб. – Войдод, улар мени танимай қолишса нима қиламан? – дермиш бечора Сўқрот.

Янги ва ажойиб

Россини хузурга ёш бастакорлардан бири келиб, янги ва ажойиб асар битганини мактабда ва тинглаб кўришини сўраб, фортепьянога ўтиради. Россини мусиқани диққат билан тинглаб, кулимсираб шундай дейди: – Нима ҳам дердим, ҳақиқатдан ҳам сизнинг асарингизда ажойиб, янги нарсалар бор. Аммо, афсуски, ажойибларини янги эмас, янгила-ри эса ажойиб эмас!..

Ҳангома

Сурхоннинг олис Жончекка қишлоғидан шом пайти қурдосини Набижон кўнгироқ қилиб қолди. Анчадан буён гап-лашмаган эдик. Соғинган экан, аразини яшириб ўтирмади: – Хафа бўлманг-у, дўстим, анчагина хаёлпаризиш бўлиб қолибсиз. Ана бораман, мана бораман, деб уч ойдан буён мени йўлингизга мунтазир қилиб қўйгансиз. Нима, Жончекка қочиб кетибди-ми, поездга ўтирсангиз, кундузиёқ етиб келасиз...

Шу пайт телефон қурғур узун бир хуштак чалиб, узилди-қолди. "Оббо, аразчи жўрам мана сенга, деб телефон тугмасини босиб қўйди шекили, ярани газак олдирмай, ўзим боғлана қолай", деб рақамини терди.

У ёқдан анча хушқайфият овоз эшитилди: – Хайрият-ей, Сиз ҳам биз томонлар билан боғланишни биларкансиз. – Дўстим, уэр, қурилиш ишлари билан андармон бўлиб... – Ҳа, дўстим, девдай-девай икки ўғлингиз турганда қурилиш сизга қолибдими, – деб яйраб қулди. – Дам касаламан дейсиз, дам қариндошларда тўй-маърака бор дейсиз. Энди қурилишни баҳона қилаяпсиз.

Овоз бир лаҳза тиниб қолди. Сўнг Набижон сўради: – Сизда тутуриқ бор-жонданми сўраб берайми?

– Э, уларда ҳам тутуриқ йўқ. Кап-катта Сизда топилмаган нарса, уларда нима қилади?! – Ҳа, рост, – маъқулладим дўстимнинг гапини. – Улар кўп қаватли уйларида туршиша. Тутуриқ носиддики, тил тағига ташлашса... У томондан Набижоннинг хандон отиб қулгани эшитилди, мен ҳам қўшилиб қулдим. Кеч оқшом Зухриддинга кўнгироқ қилиб, Набижон билан бўлган сўхбатдан бохабар қилдим. Зухриддин закий, олим одам эмасми, Набижон-

дан ҳам ўтказиб дил-дилдан яйраб қулди: – Анной одамсиз-да, ака, – деди Зухриддин кулгидан ўзини зўрга тўхтатиб. Набижон ака ҳақ гапни айтибди. У кишига ваъда қилиб, Сиз

ТУТУРИҚНИГИЗ БОРМИ?



каби биз ҳам сўзимизнинг устидан чиқолмадик. Шу боис ваъдабоз, таъини йўқ, тутуриқсиз жўраларга айланиб қолдик. Келинг ака, мен эртага таътилга чиқаман. Шу душанбада поездга чипта олиб, қайдасан, Жончекка, деганча жўна-вормаймизми? Ана шунда тутуриқсиз деган таънадан халос бўлардик.

– Мен рози, – дедим оғзимнинг таноби қочиб. Тутуриги йўқ Олимжон билан Султонмуродни ҳам ҳамроҳ қиладиган бўлдик. Собиржон ИНОМОВ.

Жиноятга жазо муқаррар


ОҚ ЖАЛАТГА ТУШГАН ДОҒ

това сўзининг устидан чиқиб, уни Х. Турсунқулов қишлоқ врачлик пунктига ҳамшираликка ишга жойлаб қўйди. Худди шу Шўралисойнинг "Наврўз" маҳалласида яшовчи Бибиғул Халдибекова ҳам 300 АҚШ долларининг "кучи" билан бирлашмага қарашли акушерлик комплексининг туғуруқ бўлимида ҳамшира бўлиб иш бошлади. "Наврўз" мавзесидаги 8-уйнинг 4-хонадонда яшовчи Тамара Турсунова жияни Динара Худойбергеновани А. Темура КВПга ишга жойлаштириш учун 200 АҚШ долларининг баҳридан ўтишига тўғри келди. "Кўза кунда эмас, кунда синади" деганларидек, бу жиний шериклар ўтган йилнинг 4 майида Чиноз тумани "Дўстлик" маҳалласида яшовчи Гулрухсор Ҳожибергановадан тиббиёт бирлашмасига

ҳамшираликка қабул қилишлари учун 300 АҚШ долларини олаётганида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари томонидан қўлга олинди. У. Дадабоев ва Н. Акжигитова пора олишдан ташқари, кўплаб жиноятларда қўли борлиги, ушбу жиний ишларига бирлашманинг бошқа врачларини ҳам жалб қилганликлари аниқланди. Хусусан, Н. Акжигитова раҳбари билан келишган ҳолда бирлашманинг марказий стерилизация бўлимида қонунга зид равишда ярим ставкали ҳамширалик иши қўшиб олган. Натижада, 2011 йилнинг 1 июлидан 2013 йилнинг 1 майига қадар 5 миллион 64 минг 655 сўмни асосий равишда ўзлаштириб келган. Шунингдек, тиббиёт бирлашмаси бошлиғи ўринбосари Рустам Самандаровнинг турмуш

ўртоғи Нафисат Самандарова сохта буйруқ чиқариб, жами 2 миллион 73 минг 901 сўмни растрат қилиш йўли билан ўзлаштириб юборишган. Бундан ташқари, бюджетдан ташқари топилган маблағ ҳисобидан 2011 ва 2012 йиллар давомида 6 миллион 399 минг сўмлик маблағ ҳам қонунга зид равишда, растрат қилиш йўли билан ўзлаштирилган. Шунингдек, Янгийўл туман тиббиёт бирлашмаси бош ҳамшираси ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош ҳамшираси вазифасини вақтинча бажарувчи бўлиб ишлаган Н. Акжигитова навбатдаги жиний режасига Оққўрғон туман тиббиёт бирлашмаси кадрлар бўлими бошлиғи Шаҳноза Шодихўжаева, Саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиалининг етакчи мута-

хассиси Умида Султоновани аралаштириб, ўрта тиббий ходимлардан кўп миқдорда пул тазма қилиб олиб, ўзлаштириб келган. Қинғир ишнинг қийиғи чиқмай қолмайди. Вилоят судининг очик суд мажлисида У. Дадабоев ва Н. Акжигитованин жиний ишлари кўриб чиқилди. Суд ҳукмига кўра У. Дадабоевга 3 йилга моддий жавобгарлик ва мансабдорлик билан боғлиқ вазимларда ишлаш ҳуқуқидан ҳамда 12 йил муддатга овоз-ликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Н. Акжигитовага энг кам ҳақнинг 350 баравари миқдорда жарима, 3 йил муддатга моддий жавобгарлик ва мансабдорлик билан боғлиқ вазимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Аваз ИСРОИЛОВ.



Рассом хандаси

Изоҳга ҳожат йўқ.

caricatura.ru

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ e-mail: th.tp@mail.ru

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мабуотчилар кўчаси, 32. Телефонлар: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс). 233-12-83, 233-48-08. 233-56-03, 233-65-59. 233-54-10.

Тошкент вилояти Мабуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таърихияти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Навбатчи муҳаррир Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ Навбатчи Нарис ҲАСАНОВА Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ